## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

**САВОЛ:** ***ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам (систематик) равишда бузганлиги учун меҳнат шартномасини бекор қилишнинг тартиби тўғрисида тушунтириш берсангиз.***

**Р.АБДУАЛИМОВА,**
**Сирдарё вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раиси.**

# МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ҚАЧОН БЕКОР ҚИЛИНАДИ?




ЖАВОБ: бу саволга тўлиқроқ жавоб беришдан олдин ходимнинг меҳнат вазифалари қайси ҳужжатларда белгилаб қўйилганлиги тўғрисида тўхталиб ўтмоқ керак.

Ходимнинг меҳнат вазифалари Меҳнат Кодексининг 74-моддаси талабларига асосан тузилган ёзма шаклдаги меҳнат шартномасида белгиланади. Бундан ташқари унинг меҳнат вазифалари Меҳнат Кодексининг 174-моддаси талаблари асосида тузилган ва тасдиқланган ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, мансаб йўриқномалари ҳамда муассасада қабул қилинган бошқа локал ҳужжатларда ҳам белгиланади.

Бу кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар билан ходим албатта (МК 178-модда) имзо чектириб таништирилган бўлиши шарт.

Агар қонуннинг бу талаби бажарилмаса, ўртада низо келиб чиққанда, ходим айбдор бўлса-да, меҳнат низоларини кўрувчи комиссия ёки суд томонидан кўриладиган масала ходимнинг фойдасига ҳал бўлиши мумкин.

Меҳнат Кодексининг 176-моддасига биноан ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомиға, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига тўлиқ амал қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб асраши шарт.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ва қонун талабларини ходимнинг айбли тарзда ва қонунга зид равишда бузилганлиги унинг ўз меҳнат вазифаларини бажармаслик деб тушунилади. Бунинг учун ходимга Меҳнат Кодексининг 182-моддаси талабларини бажарган ҳолда, яъни ходимдан бир ой муддат ичида тушунтириш хати олиниб, иш берувчи томонидан буйруқ билан Меҳнат Кодексининг 181-моддасида кўрсатиб ўтилган интизомий жазо чораларини қўллаши мумкин. (ҳайфсан, 30 фоиз ёки 50 фоиз жарима солиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш. Бу ҳақда газетанинг олдинги сонларида тушунтириши берилган). Буйруқ ходимга имзо чектириб таништирилади.

Ходимга қонунда назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш таъқиқланади (қаттиқ ҳайфсан, бошқа ишга ўтказиш ва ҳ.з.лар) ва Меҳнат Кодексининг 5-моддасига асосан у ҳақиқий ҳисобланмайди.

Амалдаги қонунга мувофиқ интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил қилиб белгиланган. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаган бўлса, у интизомий жазо олмаган ҳисобланади.

Меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран тартибга хилоф ножўя ҳаракат содир қилиниши ходимнинг меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузган деб ҳисобланади.

Бунинг учун иш берувчи томонидан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 100-модда II-қисм 3-банди билан бекор қилиниши мумкин. Албатта меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат Кодексининг 101-моддаси талабларига тўлиқ риоя қилиниши зарур.

Агарда ходимга интизомий жазо чоралари қўллашда иш берувчи томонидан Меҳнат Кодексининг 181,182,183 ҳамда 101-моддаларининг талаблари бажарилмаса, қўлланилган интизомий жазо чоралари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади, ходим вазифасидан озод қилинган бўлса, Меҳнат Кодексининг 111-моддасига асосан ваколатли органлар томонидан ишга тикланади ва ушбу кодекснинг 275-моддасига асосан ходимга мажбуран бекор юрган кунлари учун бир йилдан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик маоши ҳисобидан ҳақ ундириб берилади.

# ИМТИЁЗЛАР ХУСУСИДА

## Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради

**САВОЛ:** ***1997 йилда ҳукуматимизнинг юксак мукофоти «Дўстлик» ордени билан тақдирланганман. Ўша даврда энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида ҳақ олганман. Ушбу мукофот эгаларига қонун ҳужжатларида яна қандай имтиёзлар бор?***

**Худойқул САФАРОВ,**
**Бахмал тумани.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги 1042-XII- сонли қонуни билан тасдиқланган «Дўстлик» ордени тўғрисидаги Низомнинг 5-бандига биноан ушбу мукофот билан тақдирланган шахсларга энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида бир марталик пуллик мукофот берилади. «Дўстлик» ордени билан мукофотланганларга қонун ҳужжатларида бошқа имтиёз назарда тутилмаган.

*Истиқлол берган имкон*

# «УРЖУЗА» — МЎЪЖИЗА

## ёки машҳур кўз жарроҳи Фёдоровнинг фарғоналик издоши ҳақида

***Яхши хабар тез тарқалади. Тажрибали кўз шифокори Қобулжон Ғофуровнинг Фарғонада замонавий кўз касалликлари шифохонасини очгани бир зумда бутун водийга овоза бўлди. Бу хасталик билан азият чекаётган беморлар янги шифохонага нажот истаб кела бошлашди.***

Андижон Давлат тиббиёт олийгоҳини тугатган ёш шифокор Қобилжон Ғофуров олдида иккита йўл турарди. Биринчиси-кўпчилик тенгдошлари каби бирор шифохонада иш фаолиятини бошлаш бўлса, иккинчиси-ўзи танлаган касби бўйича илмий изланишларини давом эттириш.

У яқинлари билан маслаҳатлашиб Тошкент тиббиёт олийгоҳида кўз касалликлари кафедраси мудири, профессор А.Худойбердиев раҳбарлигида «Бирламчи глаукома хавфининг омиллари ва унинг олдини олиш чоралари» мавзусида илмий иш қилди. Тошкентдаги беш йиллик илмий изланишлар, устозлар тажрибасини ўрганиш жараёнида Қобилжон Ғофуровнинг малакаси ошди. Устозларнинг тавсиясига кўра дунёга довруғи достон бўлган кўз шифокори С.Н.Фёдоровнинг ўқув марказида таълим олиб келгани ҳам унга асқотди.

Кейинчалик у Фарғонага қайтиб, ўз фаолиятини вилоят кўз касалликлари шифохонасида бошлади. У бу ерда россиялик ҳамкасблари билан бошлаган ишларини давом эттирди. Вилоят офталмология шифохонасида Қобулжон Ғофуров катарактада сунъий гавҳар қўйишни биринчи бўлиб йўлга қўйди. Журъат билан бошланган бу ишнинг натижаси чакки бўлмади. Унга мурожаат қилган беморлар сони кескин кўпайди.

Одамлар ишончидан руҳланган ёш шифокор анчадан бери ўйлаб келаётган ғояси — «Кўз микрожарроҳлиги» даволаш комплексини ташкил қилиш фурсати келганини англади ва шу йўналишда ҳаракатини бошлади.

Изланганга омад ёр, деганларидек тез орада бу муҳим масала ҳам ижобий ҳал бўлди. Ғофуржон Фарғона пахта заводига қарашли ишчилар ётоқхонасини биржа савдосида сотиб олди ва уни юксак дид билан таъмирдан чиқарди. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган ташҳис қўйиш ва жарроҳлик жиҳозлари Германия, Франция, Италия ва Россия мамлакатларидан келтирилди.

Айни кунларда янги шифохона муваффақиятли равишда фаолиятини олиб бораяпти. Бу хусусий клиникада кўз ёши йўллари, катарактада кўздаги оқни олиш, сунъий гавҳар қўйиш, глаукомада кўз ички босимини барқарорлаштириш, кўз ғилайлигини тузатиш, тиббий маслаҳатлар бериш хизматлари кўрсатилмоқда. Контакт линзалар ва кўз протезлари ўрнатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Операциядан чиққан беморлар ётиб муолажа олишлари учун 30 та ўрин ташкил қилинган.

— Ҳали режаларимиз бисёр, - дейди Қобулжон Ғофуров. — Келгусида бу ерда турли касалликларни даволовчи бўлимлар очамиз. Тиббий ускуналар сонини кўпайтирамиз. Бунинг учун маълум миқдорда кредит олмоқчимиз. Шу ишларни амалга оширсак, бошқа касалликларни ҳам даволашда имкониятларимиз янада ошади.

**Мўйдинжон СОБИТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**




Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти жорий йилда шартнома асосида хўжаликлардан 26 минг 400 тоннадан ортиқ пахтани қабул қилишни режалаштирган. Ҳозиргача 6 минг тонна хом ашё қабул қилинган бўлса, шундан 500 тоннаси қайта ишланди. Айни чоғда тайёр маҳсулот шартномага кўра чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

***Суратда: корхона тайёрлов бўлими бошлиғи (ўртада) Бахтиёр Розиқулов, товаршунос Хайрулла Усарбоев, ишчи Примшо Фуроховлар.***

## ҚАДРИ БАЛАНД

«ЎзЭксайд» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасига қарашли автобусда Жиззах шаҳри қариялари текин юриш ҳуқуқига эга. Қўшма корхонанинг «ЎзЭксайдтранс» транспорт бўлими 524 нафар қарияга корхонанинг умумий нархи 16 миллион 640 минг сўмлик йўл чиптасини бепул берди.

«ЎзЭксайд»нинг бу эътибори Жиззах вилоятида кекса авлод манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг биттаси, холос.

Вилоятда олтмиш мингдан зиёд пенсионер ва ногиронлар яшайди. Уларнинг яшаш шароити, саломатлигини яхшилаш давлат дастурига мувофиқ тузилган режа асосида олиб борилмоқда. Йилнинг ўтган даврида деярли барча пенсионер тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг ярмидан кўпи турли шифо масканларида даволанди. 400 нафардан зиёд қария санаторий-курортларда соғлиғини мустаҳкамлаб қайтди. Яна 370 нафар қария вилоятдаги соғломлаштириш муассасаларида даволанди.

- Айниқса қаровчиси йўқ, ёлғиз қарияларга ғамхўрлик тубдан яхшиланди,- дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Сокина Алмамедова. - Ҳозиргача вилоятда 660 нафар ёлғиз пенсионерга ҳомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Уларнинг уй-жойларини таъмирлаш, зарур ашёлар билан таъминлашда ҳам ҳомийлар ғамхўрлик қилмоқда.

Қарияларнинг моддий талаб-эҳтиёжларини бажариш ижтимоий идоралар, тиббиёт муассасалари, жойлардаги маҳаллий ўзини ўзи бошқарув идораларининг доимий ишига айланган.

Қарияларни, меҳнат фахрийларини байрам кунлари арафасида йўқлаш, шунингдек уларни мамлакатимиз бўйлаб сафарларга олиб чиқиш яхши анъанага айланди. Жиззахлик қариялар шу йилнинг ўзида Имом ал-Бухорий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Занги ота қадамжоларини зиёрат қилиб қайтди.

**(ЎзА).**

*Бу ҳақда Вазирлар Махкамаси мажлисида гапирилган эди*

# ХЎЖАСИЗЛИК

## сув ўлчагич асбоблари ўрнатилгач барҳам топади

Ҳаётимизни ичимлик сувисиз тасаввур қила олмаймиз. Аммо бу соҳада ҳам хўжасизлик ҳукм сураётгани сир эмас.

Шу боис Вазирлар Махкамасида бўлиб ўтган 2001 йилда Республикада ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришга бағишланган мажлисда ичимлик сувидан фойдаланиш талаблар даражасида эмаслиги, жойларда бу борада масъулиятсизлик қилинаётганлиги кескин танқид қилинган эди. Бу фикрлар Наманган вилояти фаоллар йиғилишида ҳам ўртага ташланди ва мавжуд аҳволни тезкорлик билан ўнглаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

— Зиммамизга фуқароларга тоза ичимлик суви таъминоти юклатилган -дейди вилоят «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Борилло Азимов, —Бошқарма хизмат кўрсатаётган ҳудудлардаги аҳолининг 84 фоизи тоза ичимлик сувидан тўла баҳраманд бўлишмоқда.

Наманган шаҳрида эса бу кўрсатгич салкам 100 фоизга етиб колди. Умумий сув узатиш тармоқлари 1377 километрдан зиёдни ташкил этмоқда. Меъёр бўйича бир кеча-кундузда 186 минг кубометр оби-ҳаётни истеъмолчиларга етказиб беришимиз керак. Амалда эса 267 минг кубометр миқдорида таъминлаяпмиз.

Иккита сув олиш ва узатиш манбаи - «Жийдакапа»,«Қизилрават» иншоотлари Наманган шаҳри, Давлатобод, Уйчи, Чортоқ, Наманган туманлари ҳудудларида яшовчи фуқароларни тоза ичимлик суви билан таъминламоқда. Исрофгарчиликларнинг олдини олиш чора -тадбирларини кўраяпмиз. Бу борада туман, шаҳар, вилоят ҳокимликлари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги уй-жой фондини сув, газни ҳисобга олиш ускуналари билан жиҳозлаш, уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори бўйича кейинги икки ой мобайнида бир мунча силжишга эришилди. Кўп қаватли турар жой бинолари ва шахсий хонадонлар, ташкилот, идораларга оммавий равишда шартномалар асосида сув ўлчагич асбоблари ўрнатилмоқда.

«Уйжойжамғармабанк» Наманган бўлимидан 2002 йил август ойида сув ўлчаш ускуналари сотиб олиш учун 30 миллион сўм кредит олинди. Қисқа фурсат ичида 791 та мослама ўрнатилди. Йил охиригача 18 минг 800 та сув ўлчагич ўрнатилиши режалаштирилган.

Бундан мижозлар ҳам, таъминотчилар ҳам манфаатдор. Чунки ўлчагич ўрнатилган жойларда ичимлик суви исрофгарчилигига чек қўйилади.

Шундай қилиб, бошқарма корхона, муассаса, хўжалик,ташкилот ва хонадонларга босқичма-босқич ичимлик сувини назорат қилувчи мосламалар ўрнатишда фаоллик кўрсатмоқда. Мослама «Тошкент-Центер» қўшма корхонасида тайёрланмоқда.

**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ИРЛАНДИЯЛИКЛАР ҚАРОРИ

Яқинда Ирландияда бўлиб ўтган умуммиллий референдум кўпчилик мамлакатларнинг эътиборини тортди. Чунки, ирландияликлар ҳам Оврўпо Иттифоқини кенгайтириш тарафдори эканликларини изҳор этдилар. Собиқ социалистик давлатларни Оврўпо Иттифоқига қабул қилиш учун 63 фоиз фуқаролар овоз берди. 37 фоиз аҳоли эса бундай саъй-ҳаракатга қарши чиқди. Шу тариқа Оврўпо Иттифоқининг таркиби тобора кенгайиб борадиганга ўхшайди.

### ПХЕНЬЯН ТАН ОЛДИ

Корея Халқ Демократик Республикаси ялпи қирғин қуроли ядровий бомбага эгами, йўқми, деган савол сўнгги кунларгача муаллақ бўлиб келди. Лекин, яқинда КХДР президенти Ким Чен Ирнинг ўринбосарларидан бири Шимолий Корея ана шундай қурол ишлаб чиқаришнинг махфий дастури устида ишлаётганлигини ошкор тан олди. Шундай қилиб, КХДР 1994 йилда АҚШ президенти Билл Клинтон билан тузилган шартномадан бир томонлама тарзда чиқди. Мазкур аҳдномага биноан Шимолий Корея ядровий қурол ишлаб чиқариш жараёнларини тўхтатиш ва халқаро текширувчи назоратчиларни мамлакатга киритиш мажбуриятини олган эди. Бироқ, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ушбу масалага доир мулоқотлар кейинчалик батамом тўхтаб қолган эди. Аммо қатор давлатлар Пхеньяннинг ҳозирги баёнотига гумон билан қарамоқдалар.

### КЕЛИШУВГА ЭРИШГУНЧА

Ҳиндистоннинг расмий доиралари Жамна ва Кашмир вилоятида бошқарувнинг тўғридан-тўғри тизимини жорий қилди. Чунки бу ерда ўтган ой охирида бўлиб ўтган сайловлардан сўнг парламент ассамблеяси тўлиқ таркиб топгани йўқ. Асосий сиёсий партиялар эса янги ҳукумат тузиш тўғрисида бир тўхтамга кела олмадилар. Бундай тадбир умумий вазиятни яхшилашга хизмат қиладими, йўқми, буни яқин келажак кўрсатади.

### ХУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Террорчиларнинг қатор мамлакатларда қўним топганлиги ҳаммага аён. Уларнинг қаерда хуруж бошлашларини ҳеч ким билмайди. Шу боис Оврўпо комиссиясининг вакиллари октябр ойи охирларида Францияда террорчилик тажовузлари пайтида аҳолининг қандай хатти-ҳаракат қилиш усулларини меъёрига етказиш бўйича ўқув машқлари ўтказиш ниятида эканликларини эълон қилдилар. Ўқув машқлари 27 ва 28-октябр кунлари амалга оширилади. Унда ядровий, биологик ва террорчилик ҳужумлари вазиятида ҳарбийлар, полициячилар, ўт ўчирувчилар ва тиббиёт ходимларининг тайёрлиги мувофиқлаштирилади.

### ДАРДГА ДАВО... ЯХШИ КАЙФИЯТ

АҚШ олимлари ғалати кашфиёт қилдилар. Уларнинг хулосасига кўра, яхши кайфият ҳар қандай касаллик, ҳатто саратон (рак)нинг олдини олишда беқиёс даво ҳисобланар экан. Гап шундаки, инсон жисмида мавжуд бўлган роҳатланиш сезгисини қўзғатувчи серотонин моддаси саратон ҳужайраларига ўзини-ўзи йўқотиш тўғрисида буйруқ берар экан. Ўтказилган тажрибалар бу жараённинг тўғрилигини тасдиқлади. Энди ушбу усул билан онкологик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш мумкин... Бу хабарни чоп этган «Чикаго трибюн» газетаси ҳаммага ҳурсанд бўлиб юришни тавсия этди.





# СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

***Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган XIV Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Унда иштирок этган 214 нафар юртимиз спортчиларининг 66 нафари касаба уюшмалари вакиллаof ридир. Улар мамлакатимиз медаллар хазинасини 9 олтин, 9 кумуш, 13 бронза билан бойитишди. Айниқса, Оксана Чусовитина, Антон Ряхов, Надежда Питулина, Юлия Борзова, Антонина Маскалёва, Татяна Левина, Равил Начаев, Алексей Чеглаков, Дилшод Орипов, Дилшод Мансуров, Беҳзод Хидиров, Эгамназар Акбаровлар юқори натижа кўрсатдилар.***

## СЎЗ – ҒОЛИБЛАРГА:



**Алексей ЧЕГЛАКОВ.**

***Юнон-рум кураши бўйича XIV Осиё ўйинлари чемпиони.***

**1974 йил 13 мартда Россиянинг Чайковский шаҳрида туғилган.**

**Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони. Уйланган. 5 ёшли ўғли бор. Ўзбек миллий таомларини хуш кўради.**

— Спортда юқори натижаларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ҳамма нарсани, хатто майдадек туюлган жиҳатларни ҳам ёддан чиқармаган ҳолда курашиш стратегиясини ишлаб чиқиш керак. Жаҳон чемпионати даги омадсизлигим, айнан эътиборсизлик туфайли юз берган эди. Турк курашчиси билан баҳсда бамайлихотир ҳаракат қилган эдим, натижада ютқазиб қўйдим.

XIV Осиё ўйинларига жиддий тайёргарлик кўрдим ва барча рақибларимни мағлуб этдим. Кейинги мусобақаларга ҳам жиддий тайёрланиб, ўзбек кураши номини юқори кўтаришга ҳаракат қиламан. Фурсатдан фойдаланиб бизга яхши шароитлар яратиб бераётган ташкилотларга ва устозларимга миннатдорчилик билдираман.









**Антон РЯХОВ.**

***Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича XIV Осиё ўйинлари ғолиби ва бронза медаллари соҳиби:***

— 500 метрлик масофада яккалик баҳсларида ғолиб чиқишимга ишонган эдим. Чунки бу масофа мен учун яхши таниш ва бу баҳсларга пухта тайёрланганман. 1000 метрга эшкак эшиш баҳслари, афсуски, кутилганидан ҳам оғир кечди. Қанчалик ҳаракат қилмай, биринчи ўринни олган хитойлик ҳамда кумуш медал соҳиби корейс йигитини қувиб ўтолмадим. Улар бу масофада мендан кучли экан.

Умуман, XIV Осиё ўйинларидаги натижаларимиздан мамнун бўлсак арзийди. Бунда мураббийларимиз хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз деб уйламан.



Бизни ўйинларга тайёрлаган В.Йўлдошев, Ю.Серебряков, С.Кониченко, А.Бечков, В.Сергеев, В.Шубин, А.Понамарёв, Р.Давлакимов, С.Исоқовларга самимий раҳматлар айтаман. Бизни интизорлик билан кутган, мактабимиз, яъни КУФК қошидаги БЎСМ раҳбариятидан ҳам жуда миннатдорман.

**Антонина МОСКАЛЁВА.**

***Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё ўйинлари ғолибаси.***

— Мусобақаларда ғалаба қозониш осон бўлмади. Айниқса, Жанубий Корея ва Хитой спортчилари жуда яхши иштирок этишди. Улар билан курашда бизга юртдошларимиз ишончи руҳий мададкор бўлди.

Юртимизга ёруғ юз билан қайтганимиздан жуда хурсандман. Кейинги мусобақаларда ҳам Ватан шарафини муносиб ҳимоя этишга ҳаракат қиламан.

**Надежда ПИТУЛИНА.**

***Тошкент шаҳри. XIV Осиё ўйинлари ғолибаси.***

— Қизларимиз жуда яхши эшкак эшишди. Мен ҳам ортда қолмасликка ҳаракат қилдим. Бизнинг бу ғалабамизда устозлар хизмати беқиёс, албатта. Битта олтин ва бронза медал билан Ўзбекистон спорт делегациямиз хазинасига ўз улушимни қўшганимдан жуда хурсандман.

**Юлия БОРЗОВА.**

***Тошкент вилояти. XIV Осиё ўйинлари ғолиби ва кумуш медал соҳибаси.***

— Байдаркада тўртлик баҳсларида ғолиб чиққанимиздан ниҳоятда хурсандмиз. «Куч бирликда» деган мақолнинг нақадар тўғри эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Яккалик баҳсларида эса бир оз омадим чопмади.

Бир сўз билан айтганда, Пусандаги шиддатли беллашувлар ўз устимда кўпроқ ишлашим лозимлигини эслатгандек бўлди. Насиб этса, кейинги мусобақаларда муваффақиятли қатнашишга ва Мустақил ватанимиз байроғини янада юқори кўтаришга ваъда бераман.



**Оксана ЧУСОВИТИНА.**

***Спорт гимнастикаси бўйича XIV Осиё ўйинлари ғолибаси ва иккита кумуш медал соҳибаси.***

— Баҳсларга мезбонлар — Жанубий Корея вакиллари жуда яхши тайёргарлик кўрганликлари аён. Буни биз аэропортдаёқ ҳис қилдик. Мусобақалар чоғида ҳам майдон эгалари ҳақиқий гимнастика шайдоси эканликларини намойиш этдилар.

Бу ҳол менинг спортдаги ютуқларимга ҳам шубҳасиз таъсир этди. Натижа эса ўзингизга маълум. Энг кўп медаллар шодасини қўлга киритганимдан хурсандман.



**Равил НАЧАЕВ.**

***Сузиш бўйича мусобақа ғолиби.***

— Сузиш баҳслари жуда кескин ва муросасиз ўтди. Бор кучимни ишга солдим ва ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдим. Бизга яхши шароитлар яратиб берган КУФК спорт раҳбарларига миннатдорчилик билдираман.

**Беҳзод ХИДИРОВ.**

***54 кг вазнда кумуш медал соҳиби.***

— Финалда Жанубий Корея боксчисига ютқазиб қўйганим алам қилди. Унга ўз юрти рингида баҳс ўтказгани ҳам қўл келди ва ҳакамлар ҳам унинг ғалабасига улуш қўшди, чамамда. Умуман боксчиларимиз Осиёда энг кучли эканликларини исбот этишди. Устозларимиз Темур Ғуломов ва Марс Қўчқоровга раҳмат.



**Дилшод МАНСУРОВ.**

***XIV Осиё ўйинлари ғолиби.***

— Пусан менда жуда яхши таассурот қолдирди. Уларнинг меҳмондўстлигини кўриб, беихтиёр юртимиз, юртдошларим кўз ўнгимда жонланди. Энди мусобақаларга келсак, ярим финалдаги рақибим малайзиялик спортчи билан кўтаринки руҳда баҳс ўтказдим. Финалда ҳам ўша кайфият мени тарк этмади. Она юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келганимдан бахтиёрман.



**Дилшод ОРИПОВ,**

***Юнон-рум кураши бўйича XIV Осиё ўйинлари ғолиби.***

Ишончга кўп нарса боғлиқ экан. Аввал бошиданоқ ушбу баҳсларда ғалаба қозониш учун пухта ҳозирлик кўрганлигим қўл келди. Шунинг учун бўлса керак, рақибларимга ўз тактикамни сингдира олдим. Бу эса охир-оқибат баҳсларнинг менинг фойдамга хал бўлишини таъминлади. Очиғи, она-ватанимни соғиниб қолдим. Тошкентга етиб келгач, ўзимни енгил хис қилдим.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**
**Анвар ИЛЁСОВ**
**«Жахон АА» ва**
**Абдувосит ХАЙДАРОВ**
**олган суратлар**

# НОЁБ ТОПИЛМАЛАР — ХАЛҚ МУЛКИ

*Мерос*

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида аждодларимиз томонидан яратилган неча минглаб нодир асарлар қўлёзмаси сақланади. Лекин афсуски, бу қўлёзмалардан кўпининг муаллифи ҳам, мазмуни ҳам илму адаб аҳлига номаълумлигича қолиб келмоқда. Уларни илм аҳлига танитишнинг самарали йўлларидан бири бу қўлёзмаларнинг феҳристини тузишдир. Шу мақсадда ҳозиргача институт жамоаси томонидан қўлёзмаларнинг 11 жилдлик феҳристи тузилиб, нашр этилган. Зотан, қўлёзмаларни тавсиф этиб, уларнинг феҳристларини тузиш — Шарқшунослик институтининг устувор илмий йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки қўлёзмаларни тавсифлаш сермашаққат иш бўлиб, уларнинг баъзиларида асар ёки муаллиф номи учрамаслиги, варақлари тушиб қолгани, айрим саҳифалари шикастлангани тадқиқотчи олдида қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўядики, уларни ҳал этиш муайян билим, малака, чидам ва қунтни тақозо қилади.

Мустақиллик йилларида институтнинг хорижий илм марказлари билан алоқалари кенгайиб, чет эл олимлари билан ҳамкорликда бир неча муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Шулардан бири «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли» Шарқшунослик институтидаги XVIII-XX асрларга оид тасаввуфий асарлар феҳристи» бўлиб, у 2002 йили Германиянинг Штутгарт шаҳрида «Франц Штайнер Ферлаг» нашриётида чоп этилди. Феҳрист Бахтиёр Бобожонов, Санжар Ғуломов, Шовосил Зиёдов, Музаффар Комилов, Ғулом Каримов, Аширбек Мўминов, Нурёғди Тошев ва Шарифа Тошевалар томонидан тузилган. Китобни компьютерга киритиш ва махсус дастурларни тузиш ишлари Ульрике Берндт ва Ҳиндол Мадраҳимовлар томонидан амалга оширилган. Таҳрир ҳайъати Юрген Паул, Бахтиёр Бобожонов, Ульрике Берндт ва Аширбек Мўминовлардан иборат. Мазкур лойиҳанинг муаллифи ва ташаббускори ҳам, феҳристни тузиш билан боғлиқ ишларнинг ташкилотчиси ва ноширри ҳам Германиянинг Халле шаҳридаги Мартин Лютер номидаги университет профессори жаноб Юрген Паул ҳисобланади. Лойиҳа Ўзбекистонда ўз бўлимини очган Германия техникавий ҳамкорлик жамияти томонидан қопланган.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан Мартин Лютер номидаги университет ўртасида имзоланган ўзаро илмий ҳамкорлик шартномаси асосида амалга оширилган ушбу феҳрист аслида институт хазинасида сақланаётган XVIII-XX асрларга оид тасаввуфий асарлар феҳристини яратишга бағишланган лойиҳанинг иккинчи босқичи бўлиб, биринчи босқичда 2009 та қўлёзманинг мухтасар тавсифини ўз ичига олган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтидаги тасаввуфий асарларнинг қисқача феҳристи» нашрга тайёрланиб, 2000 йили Берлин шаҳрида нашр этилган эди. Бунинг учун 1999 йил баҳори ва ёзида ўзбек шарқшуносларидан олти нафари Германияда илмий сафарда бўлиб, Ҳалле, Йэна ва Берлин шаҳарларидаги илмий марказларда немис шарқшунос олимларининг феҳристлар тузиш соҳасидаги бой тажрибаларини ўрганишди. Ўзбекистонга қайтгач, Германия томонидан институтга тортиқ этилган компьютерлар билан таъминланган илмий гуруҳ XVII-XX асрларга оид тасаввуфий асарларнинг қисқача феҳристини тузишга киришди. Мазкур феҳрист XVIII-XX асрларда ўлкамизда тасаввуфга оид асарлар қанчалар кўплиги ва кенг тарқалганлигидан гувоҳлик беради. Мазкур феҳрист асосида Мирзо Абдулқодир Бедил ва Сўфи Оллоёрни бу даврда яшаган муаллифлар ичида асарлари энг кўп кўчирилганлари, дейиш мумкин.

Янги феҳрист учун «Қисқача феҳрист»да тавсифи Шарқшунослик институтининг илгари нашр этилган 11 жилдлик «Шарқ қўлёзмалари» феҳристи»да бўлмаган 126 та асар танлаб олиниб, уларнинг батафсил тавсифи тузиб чиқилган. Ишнинг бу босқичида ёш немис олимаси Ульрике Берндт ҳам иштирок этган.

Феҳрист тузиш жараёнида ҳозирга қадар ҳатто мутахассисларга ҳам маълум бўлмаган баъзи муҳим тасаввуфий асарлар ва улардан айримларининг туркий тилларга қилинган таржималари топилди. Шундай китоблардан бири Абдулҳай Ал-Ҳанафий ас-Самарқандийнинг «Камолоти мужаддид ва мақомоти аҳмадия» (Тавсиф N74, 153-160 бетлар) асаридир. Бу асарда нақшбандия тариқатининг XVI асрда Ҳиндистонда вужудга келган янги тармоғи — мужаддидия таълимоти атрофлича таҳлил этилади. Ушбу таълимотнинг Ҳиндистондан бошқа ўлкаларга, жумладан Мовароуннаҳрга тарқалиши хусусида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд.

Ҳозирги кунгача тадқиқотчиларга маълум бўлмай келган Абул Музаффар Сайид Музаффар ал-Ҳусайний ал-Хоразмий деган яна бир муаллифнинг «Тавбат ат-тоибин фи даражот ас-соликин», «Миръот улобидин» ва «Мифтоҳ ул-асрор» номли уч асари ҳам феҳристдан ўрин олган. Аввалги икки асар исломдаги маънавий-аҳлоқий масалалар ечимига бағишланган бўлса, учинчиси мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»сига ёзилган шарҳдир.

Сайид Раҳматуллоҳ ибн Сайид Абдураҳим Атоий Бухорийнинг «Фаводи мунтахаби шажара ва ансоб ва маноқиб» номли асари ҳам янги топилган асарлар жумласига киради. Асар Сайид ота (XIV аср) ва унинг авлодлари таржимаи ҳолига бағишланган.

Тоҳир Эшон номи билан машҳур Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад Тайиб Хоразмий (тахм.1680-1764)нинг ўз қўли билан кўчирган ва шу пайтгача маълум бўлмаган 3 та янги асари (Тавсиф N77-79, 161-166-бетлар), Хўжаназар Ҳувайдо (1703-1780)нинг чевараси, ўзбек шоири Салоҳиддин Соқиб (1843-1910) қаламига мансуб «Тариқайи ҳолияйим мавлавия» деб аталган асар ҳақида ҳам илк бор мазкур феҳрист орқали маълумотга эга бўламиз.

Феҳристдан ўрин олган касбҳунарга оид рисолаларни тасниф этган Ш.Тошева томонидан топилиб, таснифланган «Анис ас-соликин» асари ҳам жуда қимматли манбадир. Унинг муаллифи Муҳаммад Латиф ан-Нажжор ан-Наққош ҳозиргача номаълум эди. Бу эса ўз навбатида республикамизда ҳам жаҳон андозасидаги, халқаро талабларга жавоб берадиган янги шарқшунослар авлодининг етишиб келаётганини кўрсатади.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсат аъзоси, «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Мирфозил Олимовга падари бузруквори

**ОЛИМЖОН ОТА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Мирфозил Олимов падари бузруквори

**ОЛИМЖОН ОТА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Сирдарё туман тармоқ қўмитаси раиси Эсонкелди Тўрақуловга ўғли

**АЛИШЕР**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси Фарғона вилоят касаба уюшма қўмитаси раиси Сапура Собировага укаси

**Абдумуталхожи НИШОНОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 22.35

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9730 Буюртма Г— 919. 1 2 3 4 5 6